

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 20 июнь, № 123 (4786) Шанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Бугунги кунда мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Шу сабабли ҳам халқимиз, жамоатчилигимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ҳар бир санасини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун доимо катта тайёргарлик кўради.

Бу борада шаклланган ижобий анъаналарни узвий давом эттирган ҳолда, истиқлол йилларида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан қўлга киритилган улкан натижаларнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини чуқур англаш, мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси шу йилнинг 30 июнига қадар "Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг гаровидир" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини муносиб кутиб олиш, тарихан қисқа бу даврнинг ёш давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб беришга хизмат қиладиган комплекс маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш учун кенг имконият яратиб берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-мазмунига чуқур сингдириш;

мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан атрофлича ўрин олаётганини кенг тарғиб этиш;

халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилаётгани, жаҳон молиявий инқирози оқибатларига қарамай, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт ва фаровонлик даражаси барқарор сақланиб қолаётганини, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини ҳар томонлама очиб бериш;

мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилгани ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бораётгани маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига мустақиллик байрамининг ўн саккиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Ушбу режа ва дастурларда белгиланган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 19 июнь

## ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ САМАРАСИ

### саноат корхоналарининг ривожланишида яққол намоён бўлмоқда

***Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, хусусан, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бораётир.***



Б. АКРАМОВ олган сурат.

Бу жараёнда "Бекободцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, ўтган йили 714 минг тонна ўрнига 820 минг тонна маҳсулот тайёрланганни, бундай юқори кўрсаткичга биринчи марта эришилгани шундан далолат беради.

— Кейинги йилларда корхонамизга кўплаб замонавий техника ва технологияларнинг жалб этилаётгани иш суръатини ҳам, услубини ҳам янги босқичга кўтариб юборди, — дейди жамиятнинг техник директори Шавкат Отажонов. — Жумладан, ўтган йили завод ҳудудидаги барча ускуналар тўлиқ компьютерлаштирилди. Бешта "КрАЗ" русумли юк машинаси, Япониянинг "Hitachi" компаниясидан иккита экскаватор, шунингдек, олтита юклагич сотиб олдик. Умуман, модернизациялаш ишлари натижасида заводимизда ишлаб чиқариш ҳажми 10-15 фоизга ошди. Жумладан, ўтган йилнинг тўрт ойида 246 800 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 297 490 тоннага етди. Шу билан бирга, бу йилдан бошлаб янги—"ССПЦ 500 Д20" маркали цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ушбу маҳсулотимизнинг бир қисмини қатор хорижий давлатларга экспорт қилдик.

Таъкидлаш жоизки, илгари фақат четдан импорт қилинган хом ашё эндиликда тўлиқ республикамиз ҳудудидан олинаётгани корхонанинг бундай ижобий ўсишга эришишида муҳим омил бўлаётир.

Ўтган йилнинг охирида Жиззах вилоятида янги оҳактош карьери қуриб битказилди. Мазкур карьердан йилига икки миллион тоннагача маҳсулот қазиб олиш мумкин. Ҳозирги кунда бу ерда маҳаллий аҳолидан саксон киши иш билан банд.

Бундан ташқари, шу кунларда завод ҳудудида узунлиги 60 метр, диаметри 4 метр бўлган янги клинкер куйдириш цехи қурилмоқда. Бунёдкорлар уни 2010 йилнинг июнь ойида битказишни мўлжаллашмоқда. Ўшанда заводда яна 300 та янги иш ўрни яратилади.

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Аҳмад Рашид МАЛИК:***

## ЎЗБЕКИСТОН УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

***Хорижий мамлакатлар сиёсий, таҳлилий ва эксперт доиралари вакиллари орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг ушбу асарига бағишлаб шу йил май ойида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция натижаларининг муҳокамаси давом этмоқда.***

Конференцияда қатнашган саудиялик молиявий таҳлилчи, доктор Абдулқодир Ҳабибулла анжуман натижаларига юқори баҳо бериб, конференцияда дунёнинг кўплаб таниқли эксперт ва молиячилари иштирок этганига эътибор қаратади. Унинг фикрича, бу омил айни кунларда хорижда Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий тараққиёт катта қизиқиш уйғотаётганидан далолат беради.

Саудиялик мутахассисда Ўзбекистон иқтисодиётининг саноат ва коммуникация инфратузилмаси катта таассурот уйғотди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистонда фаолият юритаётган саноат объектлари, улардаги энг замонавий технологиялар, хорижий компания ва мутахассисларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши мамлакат танлаган иқтисодий тараққиёт йўлининг ишончли эканини яна бир бор тасдиқлайди.

А. Ҳабибулланинг айтишича, у ўзбекистонлик мутахассислар билан ўтказилган учрашув ва суҳбатларда мамлакатимизда молия-иқтисодиёт соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш тизими юқори даражада эканига амин бўлган. Унинг сўзларига кўра, таълим тизимининг юқори даражаси ҳамда мамлакат ҳукуматининг ёш авлодга бўлган эътибори Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат келажаги ҳақидаги ғамхўрлигидан дарак беради.

**Биз ва жаҳон**

Саудиялик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиёти дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган молиявий таназзул таъсиридан ишончли ҳимояланган. Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлашга қодир мамлакат бўлиб, унинг салоҳияти юртнинг келажакдаги фаровонлигини тўлиқ кафолатлайди.

Абдулқодир Ҳабибулла сиёсий барқарорлик, хавфсизлик ва иқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожланиши хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган интилишини янада кучайтираётганига ишончи комил.

Покистоннинг «The Nation» газетасида «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унинг муаллифи — Тошкент халқаро илмий-амалий конференциясида иштирок этган Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти етакчи эксперти доктор Аҳмад Рашид Малик.

Мақолада покистонлик эксперт Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий тараққиётнинг ўзбек модели ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзини оқлаган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсатга юқори баҳо беради.

(Давоми 2-бетда).

***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасига таъсирини бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" мавзуига бағишланган семинари бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.***



## АЛОҚА, ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ВА ДАВР

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Семинарда қайд этилганидек, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг жойлардаги ижроси натижасида 2009 йилнинг биринчи чорагида АКТ соҳасида 377,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган. Шунингдек, инвестицион дастурга киритилган лойиҳалар бўйича тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ва кредитлари 38,8 млн. АҚШ доллари, соҳа корхоналарининг ўз маблағлари эвазига 8,8 млрд. сўм миқдорида сармоялар ўзлаштирилган.

Жаҳонда рўй бераётган иқтисодий инқирознинг мамлакатимиз АКТ соҳасига таъсирининг олдини олиш ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарида тармоқни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, хизматлар ҳажмини ошириш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ алоқа ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда "Ўзбектелеком" АК томонидан 169 рақамли телефон станциялари ишга туширилиб, 8476,2 минг канал километр узунликда оптик толали кабель ётқизилган. Бундан ташқари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан қишлоқ аҳолисига почта алоқаси хизмати кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида олис ва тоғли қишлоқ жойларида 20 та кўчма почта бўлимлари ташкил этилди. Жорий йилнинг охиригача яна 202 та аҳоли пунктини кўчма почта бўлинмалари билан қамраб олиш режалаштирилмоқда.

Семинар иштирокчилари муҳокама қилинаётган масала бугунги кунда ўта долзарблигини таъкидлаб, жаҳон

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ САНОАТДАГИ УЛУШИ ОРТМОҚДА

***2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамиз бўйича кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари***

**111,4** фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес учун солиқ ва маъмурий юкни камайтириш, Инқирозга қарши чоралар дастури, шунингдек, иқтисодиётни модернизация қилиш, уни ички бозорга йўналтириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа дастурларнинг изчил амалга оширилиши туфайли соҳада шундай ижобий натижага эришилди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Экспертнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган 1991 йилдан буён режали ҳамда узоқни кўзлаган иқтисодий ва молиявий сиёсатни амалга оширмоқда. Дунё молиявий ва иқтисодий таназзул асири бўлиб турган бир пайтда мамлакат ўз сиёсатининг самарасидан баҳраманд бўлмоқда. Мустақилликка қадар Ўзбекистон истеъмол қилинувчи буғдойнинг 90 фоиздан кўпроғини четдан олган бўлса, мустақиллик давридаги қисқа вақт ичида буғдой, пахта, газ, олтин ва бошқа металларнинг нетто-экспортчисига айланди».

## Аҳмад Рашид МАЛИК:

# ЎЗБЕКИСТОН УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

Аҳмад Рашид Маликнинг таъкидлашича, жаҳон инқирозига қарамай, Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичларида ўсиш кузатилмоқда. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳани фаол модернизациялаштириб, иқтисодиётда саноатлаштириш жараёнларини амалга оширмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти ташқи силсилаларга бардош бера оладиган даражага келди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт моделининг ҳар томонлама асосли эканидан далолатдир. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати йилига 8 фоиздан ошмоқда.

Мақолада айтилишича, «глобал инқироз мамлакатга деярли таъсир ўтказмади. Бундай барқарорлик замирида ривожланиш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилганлик ва иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш сиёсати ётибди».

Муаллифнинг ёзишича, иқтисодиётни янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов чет эл инвестицияларини жалб қилиш, устувор аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни ам·алга ошириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида экспортни диверсификация қилиш, транспорт ва энергетика лойиҳаларини ривожлантириш мақсадида кичик ҳажмдаги молиялаштиришни рағбатлантириш, тўқимачилик саноатини ривожлантириш, турли соҳалардаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва хизмат кўрсатиш тармоқларига алоҳида эътибор қаратиш, саноат рақобатдошлигини ошириш, янги корхоналарни ишга тушириш, ички талабни рағбатлантириш каби комплекс чора-тадбирларни илгари суради.

Аҳмад Рашид Маликнинг қайд этишича, «Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсати ва дастури қуйидаги 5 тамойилга асосланган: иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, давлат бош ислоҳотчи, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич ва тадрижий тарзда амалга ошириш. Ушбу стратегияга амал қилган ҳолда, Ўзбекистон жадал суръатда изчил ривожланмоқда».

Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсати ҳам покистонлик эскперт томонидан юқори баҳоланади. Хусусан, унинг таъкидлашича, «Президент Ислом Каримов таълим соҳасини ҳеч қачон давлат учун серхаражат соҳа деб билмаган. У таълим тизимига мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётига йўналтирилган сармоя сифатида қарайди. Эътиборлиси, мамлакат бюджетининг 60 фоизидан зиёди ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилган. Дунёнинг кўпгина ривожланаётган мамлакатлари Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасини қўллаши лозим. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон қарз олиш ҳажмини паст даражада сақлаб турибди».

Мақолада айтилишича, «Ўзбекистон хусусийлаштириш соҳасида ҳам босиқлик билан ҳаракат қилиб, тезкор натижаларга эришиш ва хусусийлаштириш жараёнининг ташқи жозибадорлигини таъминлашга интилаётгани йўқ. Давлат энергетика ва табиий бойликлар соҳасида фаолият юритаётган стратегик корхоналар устидан назоратни сақлаб туриш зарур, деб ҳисоблайди. Шу боис глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсир ўтказмаяпти».

Муаллифнинг ёзишича, «давлат устуворлиги ва эркин бозор муносабатлари ўртасидаги мувозанат Ўзбекистон шароитида глобал молиявий ва иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатишга ёрдам бермоқда».

«Тошкент анжумани Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юритилаётган иқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлаб, уни глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг ечимини топишга имкон берувчи модель сифатида таклиф қилди», деб якунлайди муаллиф ўз мақоласини.

**«Жаҳон» АА.**

# АЛОҚА, ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ВА ДАВР

(Давоми. Боши 1-бетда).

молиявий-иқтисодий инқирози шароитида алоқа ва телекоммуникация соҳаси корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, хизмат сифатини тубдан яхшилаш мақсадида телекоммуникация тармоқлари инфратузилмасини ривожлантириш, илғор технологияларни жорий этиш орқали замонавий инфокоммуникация хизматларини кўрсатиш каби қатор масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар. Улар томонидан билдирилган таклифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Шу куни парламент қуйи палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг “Қурилишда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Айтиш жоизки, республикамизда минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқдаги уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларининг намунавий лойиҳаларини бир хиллаштириш, ҳудудларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш, қурилишни меъморий жиҳатдан режали олиб бориш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг қарорига биноан ташкил этилган “Қишлоққурилишлойиҳа” ихтисослаштирилган илмий тадқиқот институти ушбу вазифаларни бажаришни тезлаштиришда қулай имкониятларни яратади.

Шу хусусда сўз борган давра суҳбатида айни пайтда қурилиш ва лойиҳалаштириш бозорида 9161 та ташкилот фаолият кўрсатаётгани қайд этилди. Улардан 875 таси лойиҳа ташкилоти, шу жумладан, 35 таси лойиҳа текшириш ишларини олиб борувчи, 8286 таси эса пудратчи ташкилотдир.

Маърузачилар томонидан келтирилган рақамларга кўра, 1998 йилдан 2008 йилга қадар республикамизда 873 минг ўринли 1186 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 90 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган 1309 та академик лицей барпо этилган ва таъмирланган. 2004-2008 йилларда 6543 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган ва 2008 йилда 184 та спорт объекти, 26 та қишлоқ врачлик пункти, 7 млн. 240 минг кв. метр уй-жой ва бошқа объектлар барпо этилган.

Ҳозирги вақтда замонавий пардозлаш материалларини ишлаб чиқариш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида гипсокартон, Бухоро ва Тошкент вилоятларида қуруқ пардозлаш қоришмалари, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида алебастр ва оҳак ишлаб чиқарилмоқда.

Давра суҳбатида соҳада амалга оширилаётган қурилиш ишларининг ва қўлланилаётган қурилиш материалларининг сифати ҳамда халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлиги устидан тизимли назорат ўрнатиш каби қатор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан режалаштириш ва қуришни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлашди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Қарши шаҳрида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан аёллар ижтимоий фаоллигини оширишнинг самарали усулларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.***

## Аёл. Замон. Жамият

Республика хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу ўқув машғулотларида сиёсий партияларнинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида иш олиб бораётган “Аёллар қаноти” фаоллари иштирок этишди. Унда жамият тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни, уларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ва қарорларнинг амалга оширилиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида оила, она ва боланинг ижтимоий муҳофазаси масалалари Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асари асосида ўрганилди. Табиийки, бу фаол аёлларнинг аҳоли орасида сиёсий тарғибот ишларини олиб боришларида қўл келади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***Жиззах вилоятида балиқчилик фермер хўжаликлари сони 104 тага етди. Яқинда уларнинг 21 таси шу йилда ташкил этилган сунъий кўлларда фаолият кўрсата бошлади.***

## Балиқ маҳсулотлари — экспортга

Қолаверса, Арнасой, Бахмал ва Жиззах туманлари хўжаликларига соҳани ривожлантириш учун 122 миллион сўмлик кредит ажратилди. Айни пайтда балиқни қайта ишлаш корхоналари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Асосий мақсад — йил охирига қадар 130 тонна балиқ ва балиқ маҳсулотларини экспортга чиқаришдан иборат.

**Б. САТТОРОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***Кичик бизнес субъектларининг маҳсулот ва хизматлари нуфузи ошишида жойларда ўтказиб келинаётган савдо-саноат ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлмоқда.***

## Савдо-саноат ярмаркалари

Жумладан, кейинги пайтда Наманган вилояти туманларида ташкил этилган ярмаркаларда 130 дан ортиқ корхона ва тадбиркорлар тузилмалари ўртасида 232 та — жами 6,6 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Наманган шаҳрида яқинда шу йўналишда уюштирилган ярмаркада Андижон ва Фарғона вилоятлари вакиллари ҳам иштирок этишди. Тадбир якунида 348,3 миллион сўмлик ўзаро манфаатли шартномалар тузилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***Нукусда Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари бўлимларига “Тез ёрдам” автоуловларини топшириш маросими бўлди.***

## «Тез ёрдам» машиналари топширилди

Тадбир чоғида 7 та "HYUNDAI" русумли санитария автоулови ҳамда "Саломатлик — 2" ва "Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари асосида келтирилган 23 та "Дамас" русумидаги машиналар топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Амударё ва Тахтакўпир туманлари тиббиёт бирлашмаларига ҳам 1 донадан автоулов ажратилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***Андижон шаҳридаги Бобур шоҳкўчасида “Ўз Анталия” мажмуаси ишга туширилди.***

## Янги мажмуа ишга тушди

Тадбиркор М. Расулов етакчилик қилаётган "Экоинтерсервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган ушбу мажмуа таркибида 400 ўринга мўлжалланган ресторан, 40 турдаги миллий ва европа таомларини тайёрлаш имкониятига эга ошхона мавжуд. Айни пайтда унинг таркибида 100 хилга яқин кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех иш бошлади. Мажмуада 80 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

***Мустақиллик туфайли халқимизнинг онги, дунёқараши, фикри ўзгарди. Юртбошимиз ташаббуслари билан барча жабҳаларда давом этаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти халқ фаровонлиги, юртимизнинг гуллаб-яшнаши, Ватан қудратининг мустаҳкамланишига қаратилаётганлиги англаб етилди. Шу боис мамлакатимизда йилдан-йилга аҳоли турмуш тарзи янада яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига чирой қўшилаяпти.***

**Депутат ва ҳаёт**

— Бундай ижобий ўзгаришлар Ватанини, элини севган ҳар бир фуқаро қалбига қувонч бағишлаб, уларда ғурур ва фахр ҳисларини уйғотиши табиий, — дейди Нуробод тумани кенгаши депутати Абдураҳмон Шарипов. — Мен аграр ва сув хўжалиги доимий комиссиясига бошчилик қилаяпман. Комиссиянинг ҳар чоракда ўтказилаётган йиғилишларига масалага дахлдор ташкилотлар раҳбарларини таклиф этамиз. Улар билан мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлларини биргаликда излаймиз.

Сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувлар, катта-кичик йиғинлардан сўнг кўтарилган турли хил фикрлар, саволлар бир-бирига таққосланади ва бу масалалар доимий комиссия йиғилишларига олиб чиқилади.

— Туманимиз қишлоқ хўжалигида кейинги йилларда сезиларли ривожланиш кўзга ташланаяпти, — дейди Жом қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Қаюм Турғонов. — Табиийки, бундай ютуқларда фермерларнинг салмоқли ўрни бор. Уларнинг нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий жиҳатдан ҳам саводхон бўлиши эришилаётган ютуқлар салмоғининг янада ошишига ёрдам беради. Бу борада депутатларимизнинг, айнан туман кенгаши қошидаги аграр ва сув хўжалиги доимий комиссиясининг хизматлари алоҳида.

Айтиш мумкинки, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳолига янги-янги хизмат турларини таклиф этиш ҳам бугуннинг энг муҳим вазифаларидан. Бу борада сайловчилардан тушаётган таклифлар, талаблар инобатга олиниб, айниқса, жойларда тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқларда касб-ҳунар коллежларининг очилиши ёшларимизнинг билим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун кенг имконият яратаяпти. Ёш мутахассисларнинг иш билан таъминланиши, улар учун янги иш ўринлари яратилиши эса, асосан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан боғлиқ. Бу борада ҳукумат томонидан манзилли дастурлар қабул қилинаётганидан барча мамнун. Сайловчилар кўпгина учрашувларда айнан шу мавзуда фикр билдиришади.

Қисқаси, бугунги сайловчи ўзи сайлаган депутатга ишонади, унга суянади, ўз фикрини ошкора баён этади. Бу эса депутатларни ўз фаолиятларини сайловчи ишончи даражасида ташкил этишга, уларни элнинг ташвиши билан яшашга, ҳамиша халқ фаровонлиги йўлида елиб-югуришга ундайди.

**А. САТТОРОВ.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

***Маълумки, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари, суд ижрочилари, адвокатлар, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар раислари, ўринбосарлари ҳамда судьялари лавозимига тайинланиш учун захирага олинган номзодлар таҳсил олмоқда.***

Марказ тингловчиларининг бир гуруҳи парламент юқори палатасида сенаторлар билан учрашди. Мулоқот тарзида ўтган учрашувда тингловчилар Олий Мажлис қўмиталари фаолияти, юқори палата ваколатлари билан яқиндан танишдилар. Улар, шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунларни кўриб чиқиш амалиёти ҳақида маълумот олдилар.

Шу билан бирга, учрашувда юридик соҳа кадрларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини такомиллаштириш, янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда эксперт-ҳуқуқшунослар иштирокини фаоллаштириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Айниқса, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари иштирокчилар диққат марказида бўлди. Чунки улар ушбу ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим ўринга эга.

Тингловчилар, ўз навбатида, Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги “Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида”ги Қарори ижроси, шунингдек, парламентлараро алоқалар билан ҳам қизиқишди.

Марказ тингловчилари мамлакатимиз парламентида ташкил этилаётган бундай учрашувлар уларнинг парламент фаолияти билан боғлиқ билимларини мустаҳкамлабгина қолмасдан, қонун ижодкорлиги жараёни билан яқиндан танишиш имконини беришини қайд этдилар. Қабул қилинаётган қонунларнинг, уларга киритилаётган ўзгартишларнинг моҳиятини ўз вақтида англаш юристлар олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Зеро, бу ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда тўғри қўлланишига, уларнинг профессионал маҳоратини оширишга ҳам хизмат қилади.

**Пўлат ДОНИЁРОВ.**

# ИНТИЛУВЧАН ЁШЛАР — ФАХРИМИЗ

Ғаллаорол туманининг Лалмикор саноат касб-ҳунар коллежи ҳудуддаги энг кўркам, замонавий ўқув масканларидан бири саналади.

**Ислоҳот**

Мазкур таълим даргоҳида 720 нафар ўқувчи билим олаётир. Коллежнинг тураржой биноси, спорт мажмуаси, ўқув устахоналари, лаборатория, лингафон-компьютер синфлари, хорижий тиллар ҳамда турли фан тўгаракларига мўлжалланган махсус аудиториялар ёшлар хизматида. Бу ерда улар металлургия, кончилик, ҳуқуқ ва хўжалик фаолияти, тикувчилик, бухгалтерия иши, бошланғич таълим, молия, темир йўл станцияларига техник хизмат кўрсатиш сингари йўналишларда илму ҳунар сирларини ўрганмоқдалар.

Коллеж битирувчилари ўқув устахонаси ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўтаб, танлаган йўналишлари бўйича пухта билим ва малакага эга бўлишди. Эндиликда улар ўзлари истаган корхона ва ташкилотда ишлаб, иқтидор ва малакаларини бемалол намоён этадилар.



**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган сурат.**

# МИНТАҚАВИЙ ВА ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Тошкентда 17-18 июнь кунлари «Афғонистон: барқарорлаштириш муаммолари ва реконструкция истиқболлари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Минтақавий сиёсат жамғармаси томонидан Ж. Маршалл номидаги Хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Европа маркази (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Конференцияда Афғонистон, Покистон, Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Россия, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Словения, Япония, Жанубий Корея, Марказий Осиё давлатларидан 20 нафардан ортиқ чет эллик экспертлар, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор хорижий дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан экспертлар Афғонистон Ислом Республикасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланиши, Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий жиҳатлари, мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга халқаро ёндашувлар, шунингдек, бу мамлакатда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани қайта тиклашда Афғонистон билан қўшни давлатларнинг роли борасидаги масалаларни атрофлича муҳокама этдилар.

Конференция қатнашчилари муҳокама чоғида Афғонистондаги можарони бартараф этиш, бу мамлакатда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш борасида Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этишга ёндашуви халқаро майдонда янада кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётгани қайд этилди.

Шу нуқтаи назардан, иштирокчиларнинг деярли барчаси тарихий тажриба ва Афғонистонда юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини таъкидладилар.

Тадбирда сўзга чиққан экспертлар Афғонистонга аниқ йўналтирилган иқтисодий ёрдам кўрсатиш, қашшоқлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ кескин муаммоларни ҳал этиш, мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий инфратузилмасини барпо этиш ва шакллантириш устувор аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий реконструкция қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш жараёнига катта ҳисса қўшаётгани қайд этилди.

Афғонистон халқининг миллий ва диний қадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш барқарорлаштириш ва реконструкция қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларнинг зарур шарти ҳисобланиши таъкидланди.

Экспертлар Афғонистонда узоқ муддатли сиёсий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий фаровонликни таъминлашда давлат ва жамият қурилиши, ҳокимиятнинг вертикал бошқарувини қайта тиклаш ва фуқаролик институтларини шакллантириш соҳасидаги ислоҳотларни босқичма-босқич ҳамда изчил амалга ошириш муҳим вазифа эканини алоҳида кўрсатиб ўтдилар.

Афғонистоннинг дунё ва минтақадаги етакчи давлатлар ўртасидаги геосиёсий рақобатлашув майдонига айланиб қолмаслиги зарурлиги алоҳида таъкидланди. Манфаатдор ташқи кучлар бу борада умумий бир тўхтамга келиши, Афғонистон Ислом Республикасининг хавфсизлигини таъминлаш ва уни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириши лозим.

Афғонистондаги зиддиятни бартараф этиш жараёнига, аввало, афғонистонликларнинг ўзлари жалб этилиши даркор. Мамлакат тақдири Афғонистон халқининг ўзига боғлиқ.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистоннинг БМТнинг мувофиқлаштирувчилик кўмагида «6+3» мулоқот гуруҳини (Афғонистон билан қўшни давлатлар, АҚШ, Россия Федерацияси ва НАТО) ташкил этишга доир ташаббуси Афғонистонни қайта тиклаш жараёнини ва мамлакат ичида бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида тинчлик ўрнатиш бўйича сиёсий мулоқотни ташкил этишнинг энг самарали механизми ҳисобланишини таъкидладилар. Ушбу ташаббус илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2008 йилда Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида илгари сурилган эди. Кейинчалик бу ташаббус турли минтақавий ҳамда халқаро форумларда, жумладан, ШҲТнинг яқинда Екатеринбургда ўтган саммитида фаол муҳокама қилинди.

Конференция қатнашчилари Афғонистонда кўп йиллардан буён давом этаётган зиддиятни бартараф этиш минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади, деган хулосага келдилар. Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши Марказий ва Жанубий Осиёда изчил иқтисодий ривожланиш, узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш учун кенг имкониятлар очади.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Танкер ҳалокати

***Вьетнам жанубий қирғоқларига яқин ҳудудда маҳаллий нефть компаниясига тегишли "Нхат Суан" номли танкер чўкиб кетган.***



Фалокат юз берган вақтда унинг бортида 1800 тонна "қора олтин" ва 100 тонна дизель ёнилғиси бўлган. Экипаж аъзоларидан 20 нафари қутқариб олинган, уч нафари эса бедарак йўқолган. Дастлаб юк кемасининг чўкиб кетишига унга белгиланганидан кўра кўпроқ юк ортилгани сабаб бўлгани айтиб ўтилганди. Кейинчалик эса "Нхат Суан"нинг анча (1970 йилда ясалган) эскириб қолганлиги фалокатга олиб келган, дея билдирилди. Маълумотларга кўра, унда дастлаб портлаш юз берган ва шундан сўнг чўка бошлаган.

"Look at Vietnam" нашри кема ғарқ бўлган ерда ёнғин юзага келганлиги туфайли тўкилган нефтнинг бир қисми ёниб кетганини маълум қилди. Шундай бўлса-да, беш километр диаметрдаги масофага "қора олтин" қолдиқлари ёйилиб кетган. Воқеа жойида тозалаш ва қидириш ишлари олиб борилмоқда.

### Биринчи ҳолат қайд этилди

***Жанубий Африка Республикасида AH1N1 вируси билан боғлиқ биринчи ҳолат қайд этилди.***

Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили Фидель Хадебе маълум қилди. Касалликни 12 ёшли бола юқтириб олган бўлиб, у ўтган якшанба куни АҚШдан келган экан. Ҳозир бемор қаттиқ назорат остида муолажа олмоқда. Шифокорларнинг сўзларига кўра, унинг аҳволи анча яхши.

Таассуфки, бу дарднинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, унинг олдини олиш қийин кечмоқда. Айни пайтга келиб дунёнинг 78 мамлакатида ушбу вирус аниқланган. Қарийб 37 минг киши унга чалинган ва 165 нафар одам ҳаётдан кўз юмган.

### Қўпорувчилик ҳаракати оқибати

***Сомалининг Беледуэйн шаҳридаги "Medina" меҳмонхонаси олдида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди, дейилади "Associated Press" ахборот агентлиги хабарида.***

Террорчи машинасини портлатиб юбориши натижасида 20 дан ортиқ одам ҳалок бўлган. Қурбонлар орасида Сомали миллий хавфсизлик вазири Умар Хаши Аден ҳамда мамлакатнинг яна бир нечта юқори лавозимдаги амалдорлари борлиги айтилмоқда.



Мамлакат президенти Шараф Аҳмад бу хунрезлик "Ал-Қоида" террор гуруҳи томонидан содир этилганлигини билдирди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЯНГИЧА РУҲ, ЯНГИЧА ЙЎНАЛИШ

## банк ходимларини мижозларга намунали хизмат кўрсатишга даъват этмоқда

AGROBANK

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан сўнг Тошлоқ тумани тармоқ банкида янгича тизим, янгича руҳ, янгича йўналиш пайдо бўлганлигини сезиш қийин эмас.***

**Қарор ва ижро**

Ҳақиқатан ҳам, ушбу қарор бугунги кунда туман иқтисодиётининг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг молиявий ва моддий базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида замонавий технологиялар ва ускуналарни амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Давлатимиз раҳбарининг қароридан сўнг фаолиятимизда сифат жиҳатдан бир қатор ўзгаришлар рўй берди, — дейди филиал бошқарувчиси Мурoджон Азимов. — Гап шундаки, ана шу ҳужжат агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш йўлида замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини олиб келиш, шунинг ҳисобига истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш учун реал имконият яратди. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида тумандаги кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга 700 миллион сўм миқдорида кредитлар йўналтирилгани, бу режада белгиланганидан 355 миллион сўм кўплиги шундан далолат беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилаётгани туфайли молиявий муассасалар ажратаётган кредитлар миқдори ортса ортаяптики, асло камайгани йўқ. Мисол учун, шу йилнинг дастлабки чорагида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун 39,7 миллион сўм кредит берилиши белгиланган эди. Амалда эса, банк томонидан бир йирик лойиҳани рўёбга чиқариш учун 50 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ ҳисобига Заркент қишлоғида "Сарвиноз-Машҳура-Шод-Дил" хусусий фирмаси замонавий, сифатли макарон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхонани ташкил этди. Айни кунларда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар, асосан, шу фирманинг янгидан барпо этилган савдо дўконларида сотилаяпти. Бу дегани — тайёрловчи ҳам, сотувчи ҳам бир жисмоний шахс бўлганлиги учун, маҳсулотга устама нарх қўйишга ҳожат йўқ. Эътиборлиси, янги корхонада заркентлик 20 нафардан зиёд ёшлар доимий иш жойига эга бўлишди. Туман бюджетига эса ҳар ойда 10 миллион сўм атрофида маблағ тушмоқда.

"Камраҳ" фермер хўжалиги эришган ютуқларни нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам яхши билишади. Бундан 5 йил аввал бу хўжалик "Ташаббус" республика кўрик-танловининг ғолиби бўлган эди. Бугунги кунда қорамолларни бўрдоқига боқиш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ана шу субъектда паррандачиликка ҳам қўл урилди. Яъни, фермер хўжалиги банкдан олган 25 миллион сўм кредит ҳисобидан замонавий паррандачилик комплексини қуриб битказди. Ҳозир янги комплексда 20 минг бошга яқин наслдор товуқлар парвариш қилинаяпти. Тухум ва парҳез товуқ гўштлари эса тумандаги савдо дўконларидан ташқари, Марғилон ва Фарғона шаҳарлари аҳолисига ҳам етказиб берилаяпти.

Банк фаолиятининг кенгайиши, кредит линияларининг кўпайиши, ўз навбатида, агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга ҳам туртки бераётир. Жумладан, шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида хориждан наслдор қорамоллар сотиб олиш учун 31,6 миллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган эди. Бу топшириқ салкам 6 баравар ошириб бажарилди. Паррандачилик хўжаликлари ташкил этиш учун йўналтирилган маблағлар эса 3 бараварга ортди.

Айниқса, сўнгги йилларда туманнинг кўплаб қишлоқларида янги савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари пайдо бўлгани кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бу бунёдкорлик ишларида ҳам "Агробанк"нинг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, йил бошида ана шу мақсадларга 2 миллион сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган эди. Талаб эса деярли 10 бараварга ортиб кетди. Шуни ҳисобга олиб, банк томонидан 20 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада туманнинг Заркент, Ахшак, Варзак, Арабмозор қишлоқларида шаҳарликлар ҳам ҳавас қиладиган савдо дўконлари қад ростлади.

Банк жамоасининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари билан ҳамкорлиги ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. Биласиз, тошлоқликлар азалдан сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришда ном қозонишган. Туман миришкорлари томонидан етиштирилган эртанги маҳсулотлар, аввало, вилоят бозорларини тўлдиришининг боиси шунда. Албатта, бунда банк ходимларининг ҳам ўзига хос хизмати бор. Айтайлик, фақат шу йилнинг ўтган ойларида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун уруғлик, кўчат, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш учун 42 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундан, табиийки, юзга яқин деҳқон хўжаликлари манфаат кўрди.

Бундан ташқари, жорий йилда банк томонидан пахта ва ғалла етиштирувчи фермерларга бўнак тариқасида қарийб 2,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Банк мижозлари, шунингдек, пластик карточкалардан самарали фойдаланишмоқда. Ҳозир банкнинг пластик карточкаларидан фойдаланаётганлар сони 5 мингтага етиб қолди. Фақат шу йил май ойининг ўзида уларнинг сафига 515 та мижоз қўшилди. Сабаби, бугун кўпчилик нақд пулдан кўра карточкадан фойдаланиш афзал эканлигини тушунмоқда. Ўтган қисқа даврда пластик карточкалар орқали тўланаётган иш ҳақи миқдори 1 миллиард 270 минг сўмдан ортганлиги бунинг тасдиғидир.

**Ш**уни алоҳида таъкидлаш керакки, банк фаолиятидаги бундай ижобий ўзгаришлар халқаро молия институтлари, етакчи хорижий банкларнинг ҳам эътиборини тортаяпти. Ана шу имкониятдан самарали фойдаланиш мақсадида банк жамоаси хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш, кейинчалик шу маблағларни қайта молиялаш йўли билан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Буларнинг бари, ишонамизки, келгусида иқтисодиётни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқанд туманидаги "Оригинал Макс люкс" фермер хўжалиги 100 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Бу ерда буғдой, маккажўхори, сабзавот экинларидан ҳар йили юқори ҳосил кўтарилаяпти. Боғдорчиликдан ҳам дурустгина фойда кўрилмоқда.***

# ДАРОМАД ЎЗИМИЗНИКИ

**Интилиш**

Бундан икки йил аввал фермер Беҳрўз Салоҳиддинов товуқчиликда ҳам омадини синаб кўрмоқчи бўлди. Товуқхона қуриб, тумандаги "Оҳалик — Ломанн парранда" қўшма корхонасидан 20 мингта жўжа сотиб олди. Бугун эса бу ерда парваришланаётган товуқлар сони 70 мингтадан ошади.

— Паррандачиликни бежизга "Етти хазинанинг бири", дейишмас экан, — дейди фермер. — Ҳар куни 50 мингтагача тухум олаяпмиз. Бозорда бу парҳез маҳсулотга талаб ҳамиша юқори. Даромад ҳам шунга яраша бўлаяпти.

Фермер хўжалигида бугун 50 нафар киши доимий ишга жалб этилган. Уларнинг 38 нафари товуқлар парвариши билан шуғулланаяпти.

**С. АБДУРАСУЛОВ.**


**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

РКМБ Сирдарё вилояти филиалида 2009 йил 7 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Сирдарё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 29 декабрдаги ижро ёзувига асосан, қарздор «Пайванд-Сервис» МЧЖдан ундирувчи ОАИТБ «Ипак йўли» банки фойдасига қарзни ундириш эвазига хатланган, Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, «Синдаробод» ШХда жойлашган, майдони 30 067,20 кв.м. бўлган 2 та иссиқхона биноси.

**Бошланғич баҳоси — 449 400 000 сўм.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг ТИФ Миллий банки Гулистон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452054, МФО: 00363, СТИР: 200933850.

**Манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 3-мавзе, «Бизнес маркази» биноси.**
**Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.**

www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004.*



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



*Ўқишга марҳамат!*

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**2009/2010 ўқув йилида қуйидаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаликка қабул эълон қилади.**

**БАКАЛАВРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА:**

1. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (ўзбек)
2. Педагогика ва психология (ўзбек)
3. Касбий таълим:
   Амалий санъат (ўзбек)
   Электроника ва микроэлектроника (ўзбек)
   Ижтимоий-иқтисодий соҳа (ўзбек)
4. Мусиқий таълим (ўзбек)
5. Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари (ўзбек)
6. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш (ўзбек, рус, тожик)
7. Мактабгача таълим ва болалар спорти (ўзбек)
8. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (ўзбек, рус)
9. Меҳнат таълими (ўзбек, тожик)
10. Филология:
   Ўзбек тили
   Рус тили
   Тожик тили
11. Рус тили ва адабиётини ўқитиш (рус)
12. Астрономия (ўзбек)
13. Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) (ўзбек, рус)
14. Социология (ўзбек)
15. Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) (ўзбек)
16. Юриспруденция (ўзбек)
17. Биология (ўзбек, рус, тожик)
18. Физика (ўзбек, рус, тожик)
19. Механика (ўзбек)
20. Кимё (ўзбек, рус)
21. География (ўзбек)
22. Гидрометеорология (ўзбек)
23. Математика (ўзбек, рус, тожик)
24. Амалий математика ва информатика (ўзбек)
25. Ижтимоий иш (фаолияти турли соҳалар бўйича) (ўзбек)
26. Экология ва табиатдан фойдаланиш (ўзбек)

**Кундузги бўлимга ҳужжатлар шу йилнинг 20 июнидан 20 июлигача (шу куни ҳам) қабул қилинади.**

**Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.**

**Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:**
- *ректор номига таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ариза;*
- *086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *3x4 см. ўлчамдаги 6 та фотосурат;*
- *ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.*

**Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади.**



**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА:**

1. Педагогика (таълим турлари бўйича)
2. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш методикаси
3. Мусиқий таълим
4. Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий масалалари
5. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
6. Адабиётшунослик:
   Ўзбек адабиёти
   Рус адабиёти
7. Лингвистика:
   Ўзбек тили
   Форс, тожик, араб тиллари
8. Ватан тарихи
9. Умумий тарих
10. Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари
11. Археология
12. Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти
13. Ботаника
14. Зоология
15. Ўсимликлар физиологияси
16. Биокимё
17. Назарий физика
18 Лазер физикаси
19. Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси
20. Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика
21. Астрофизика, радиоастрономия
22. Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё
23. Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси
24. Ноорганик кимё
25. Физикавий кимё
26. Физик география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси
27. Математик таҳлил
28. Дифференциал тенгламалар
29. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
30. Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси
31. Ҳисоблаш математикаси
32. Амалий математика ва ахборот технологиялари
33. Математик физика
34. Экология

**Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:**
- *ректор номига таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ариза;*
- *086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
- *3x4 см. ўлчамдаги 6 та фотосурат;*
- *бакалавр дипломининг асл нусхаси (дипломдан қабул қилинган шаклдаги кўчирма).*

**Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома шахсан кўрсатилади.**

**Ҳужжатлар шу йилнинг 1 июлидан 31 июлигача (шу куни ҳам) қабул қилинади.**

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Физика-кимё йўналишлари биноси. Телефон: (8-366) 235-39-64.**



***СамДУ қабул комиссияси.***

*Олмалиқ шаҳрида Навоий кончилик институтининг кон-металлургия факультети фаолият кўрсатади. Ушбу масканда металлургия, кончилик иши, кончилик электромеханикаси, кимё технологияси мутахассисликлари бўйича 527 нафар талаба билим олаётир. Бу ердаги замонавий лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган аудиториялари талабалар хизматида.*

# БЎЛАЖАК КОНЧИЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

**Таълим**

Бўлажак мутахассислар махсус фанлар бўйича олган назарий билимларини мустаҳкамлаш, зарурий малака ва кўникмага эга бўлиш учун амалий машғулотларда фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, факультетнинг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ва лабораторияларида, шунингдек, маҳаллий корхоналарнинг фабрика ва цехларида ўқув амалиёти ўтказилаётир. Негаки, ишлаб чиқариш корхоналари кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг касбий фаолиятга бўлган тайёргарлиги ва савиясини белгиловчи асосий буюртмачидир. Факультет маъмурияти талабаларнинг ўқув амалиётини ўтказишлари учун Олмалиқ кон-металлургия комбинати, "Аммофос-Максам" ва бошқа бир неча йирик корхона ҳамда ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Ҳар йили 2, 3, 4-курс талабалари мис эритиш заводи, мис бойитиш заводи, Қолмақир, Каулди, Сариқчўққи участкалари ҳамда шаҳардаги ташкилотларда амалиёт ўтаб, мамлакатимиз ишлаб чиқариш саноати соҳасига рангли, қимматбаҳо, ноёб ва камёб металл етказиб беришда зарурий малакага эга бўлмоқдалар. Қолаверса, ўқув амалиётини аъло даражада ўтаган кўплаб ёшлар ўша корхонанинг ўзида ишга жойлашиш ҳақидаги шартномани имзолашмоқда.

Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам факультетда қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Масалан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган турли маданий тадбирлар ўтказилаяпти. Шунингдек, огоҳлик, жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуида қатор анжуман ва давра суҳбатлари, мутахассислар билан учрашувлар ташкил этилади.

Таълим масканида янгиликка интилувчан, иқтидорли талабалар талайгина. Хусусан, жорий йилда бўлиб ўтган "Энг тежамкор технология" анимацион моделлар кўргазмасида 6 нафар талаба иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгалладилар. Илҳом Неъматуллаев, Мурод Шаҳобиддинов, Дилшод Зиёдхўжаев сингари истеъдодли ёшларнинг янгидан-янги лойиҳалари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирганлигини қайд этиш жоиз.

Ўқув даргоҳининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари илмий иш билан шуғулланиб, саноатимиз ривожига хизмат қиладиган янги макет-моделлар, лойиҳалар устида қизғин иш олиб бормоқдалар. Олим ва тадқиқотчилар монография, илмий-оммабоп рисола, дарслик ва луғатлар, услубий қўлланма ҳамда тавсиялар чоп эттиришди. Жумладан, "Кўҳна ва навқирон Олмалиқ" номли илмий-оммабоп рисола, "Физическая химия медного производство", "Насослар бўйича суратли луғат", "Қизилқумда кончилик саноати" каби қўлланмалар нафақат таълим жараёнида, балки ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида ҳам қўл келаётир.

Мамлакатимиз илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бундай илмий изланишлар ҳукуматимиз томонидан муносиб рағбатлантирилиб, профессор-ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси грантига ва бошқа кўплаб имтиёзларга сазовор бўлишмоқда.

**Дилшод УСМОНОВ.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

# ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМИЗ

**Ўтган чоршанба оқшомини миллионлаб ўзбекистонлик футбол ишқибозлари ўзгача ҳаяжон билан кутишганди. Ўша куни Манама шаҳрида миллий терма жамоамиз Баҳрайн футболчиларига қарши 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи саралаш учрашуви доирасида майдонга тушди. Чин мухлислар ўйин вақти яқинлашгани сайин кўнгилларида қандайдир ғулғулани ҳис этишди. Зеро, мундиал йўлланмаси учун курашни давом эттириш имкониятини фақат ғалаба таъминларди.**



Таассуфки, футболчиларимиз ана шу мақсадга эриша олмадилар. Бутун ўйин давомида Жасур Ҳасанов ва Александр Гейнрих томонидан содир этилган юз фоизлик голга тортадиган вазиятларни ҳисобга олмаганда, бошқа эсда қоладиган ҳолатлар кузатилмади. Ўйинни томоша қилган бўлсангиз, учрашувда баҳрайнликларни эмас, вакилларимизни дуранг натижа қаноатлантирадигандай тўп суришганига гувоҳ бўлдингиз, албатта. Кўп ҳолларда ҳимоячиларимиз ишончсиз ўйин намойиш этиб, рақибларини чалиб йиқитишга берилишди. Адашмасак, учрашув давомида футболчиларимиз йигирмага яқин ҳолатда ўйин қоидасини бузишди. Шундай қўполликларнинг бирида Маҳмуд Абдураҳмон (74-дақиқа) жарима нуқтасидан ғалаба тўпини киритди. Шу тариқа миллионлаб мухлису мутахассисларнинг терма жамоамизни жаҳон чемпионати финал босқичида кўриш истаги бу гал ҳам саробга айланди.

Хўш, нима учун шундай бўлди? Нега футболчиларимиз ҳал қилувчи тўртинчи саралаш босқичида (8 учрашувда: 1 та ғалаба, 1 та дуранг, 6 та мағлубият. Тўплар нисбати 5-10) бунчалик суст иштирок этишди? Саралаш баҳслари таассуротлари ҳақида мутахассис ва ишқибозлар фикрлари билан қизиқдик.

**Рустам АКРОМОВ, Ўзбекистон футбол федерациясининг Терма жамоаларни тайёрлашни илмий-услубий таъминлаш бўлими бошлиғи:**

*— Ушбу саралаш босқичида ютқазиб қўйганлигимизнинг асосий сабабларидан бири, ҳозир терма жамоамизда авлодлар алмашинуви даври кечаяпти. Миржалол Қосимов асосий таркибга Шерзод Каримов, Шаҳбоз Эркинов, Станислав Андреев, Марат Бикмаев каби бир неча ёш футболчиларни қўшди. Албатта, уларнинг ўйинда кўникма ҳосил қилишлари учун муайян вақт керак. Ёшларнинг асосий терма жамоага таклиф этилаётгани келажакда ўз мевасини бериши, шубҳасиз. Бунинг учун, биринчи навбатда, ёшлар билан ишлашни давом эттиришимиз керак.*

*Яна бир гап: Япония ва Жанубий Кореяга ўхшаб иқтидорли йигитларни тўплаб, Европадаги кучли футбол мактабларига ўқишга юбориш лозим. Энг яхши йўл эса, ўзимизнинг миллий чемпионатимиз савиясини кўтаришдир. Айни пайтда "Бунёдкор", "Пахтакор", "Насаф" ҳар жиҳатдан барқарор жамоалар ҳисобланади. Қолган жамоаларимиз ҳам шу даражага эришса, терма жамоаларимиз ўйинлари ўз-ўзидан кучаяди.*

**Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи:**

— Ҳисоблаб кўрсак, кейинги ўн етти йил ичида миллий терма жамоамизда ўн еттита мураббий ишлаб кетибди. Бир йилга биттадан тўғри келади. Қандай қилиб, бир йил ичида мукаммал терма жамоани шакллантириш мумкин? Менинг назаримда, бош мураббийга ўзини кўрсатиш учун камида уч-тўрт йил вақт керак. Агар кечаги Баҳрайн билан ўйинда Қосимов ўрнида дунёнинг биринчи рақамли мураббийси ишлаганида ҳам, ҳеч нима ўзгармасди. Албатта, бу менинг шахсий фикрим.

Иккинчи масала, саккизта ўйинда олтита мағлубиятга учраганлигимиз жамоадан қанчалик ночорлигимизни кўрсатади. Қолаверса, чемпионатимизда жамоаларни олтин, кумуш ёхуд бронза медалини олганига қараб эмас, терма жамоага нечта ўйинчи етказиб бергани билан баҳоласак, яхши бўларди.

Бундан ташқари, энг қийин муаммоларимиздан бири, терма жамоаларнинг ҳам, клубларимизда ўйнаётган футболчиларимизнинг ҳам жисмоний тайёргарлиги жуда пастлигидир. Яна бир оғриқли нуқтамиз: футболчиларимиз сал кўзга кўрингач, ўз устида ишлашни тўхтатиб қўйишаяпти. Сервер Жепаров, Темур Копадзе, Одил Аҳмедов ва Азиз Ҳайдаровда бу ҳолат кўпроқ кўзга ташланаяпти.

Халқаро турнирларда яхши натижаларга эришишни истасак, олий лигада қатнашадиган жамоалар сонини саккизтага камайтириб, суперлига ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳам футболчилар ўртасида яхши рақобат юзага келишига хизмат қилади.



**Бахтиёр ҚОДИРОВ, ишқибоз:**

— Агар эътибор берган бўлсангиз, футболчиларимизда аксарият ҳолларда эпчиллик етишмади. Энг катта муаммо, уларда, аввало, миллий ғурурни шакллантириш керак. Футболчиларимиз шу Ватан шаъни учун майдонда беллашаётганликларини ҳар доим ҳис этиб туришлари шарт.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.**

# НОДАВЛАТ РАДИОСТАНЦИЯЛАР ТАРМОҒИ

**холис ва тезкор ахборот билан таъминлашга хизмат қилади**

***Шу йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида янги радиотизим — Нодавлат радиостанциялар тармоғи (НРТ) ўз эшиттиришларини бошлайди.***

**Яхши хабар**

Маълумки, 2008 йилда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини холис ва тезкор ахборот билан таъминлаш мақсадида ҳудудий радиостанциялар тизимини яратиш лойиҳаси ишлаб чиқилганди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда ҳудудлар учун радиоузатгич ва радиореле қурилмалари беғараз фойдаланиш учун тақдим этилди. Ҳозирга келиб радиостанцияларни ишга тушириш учун барча техник имкониятлар яратилди.

Эндиликда пойтахтимиздаги марказий студия сифатида "НРТ Тошкент" фаолият юритса, вилоятлар бўйича ўша ҳудуднинг номи билан турли "НРТ"лар эфирга чиқа бошлайди. Масалан, "НРТ Тўрткўл", "НРТ Бухоро" ёки "НРТ Қўқон" каби 13 та радиони мамлакатимизнинг турли жойларида тинглаш мумкин.

Яқинда Тошкент шаҳрида "НРТ"нинг биринчи йиғилиши ва семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Нодавлат радиостанциялар тармоғини ишга тушириш бўйича қатор масалалар кўриб чиқилди ҳамда янги радионинг дастурлар жадвали, шунингдек, формати қабул қилинди. Тадбир доирасида иштирокчилар "Пойтахт" радиостанцияси иш фаолияти, ижодий ва моддий-техник базаси билан танишдилар. Лойиҳа қатнашчиларига радиоахборот тайёрлашга оид барча жиҳатлар юзасидан бошланғич тушунчалар берилди.

Навбатдаги семинарлар Фарғона водийси вилоятлари учун "Рухсор" радиоси (Фарғона шаҳри)да, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий ҳамда Жиззах вилоятлари учун эса "Самарқанд-СТВ" телевизион ижодий уюшмасида ташкил этилди. Унда ҳудудий радиостанциялар ижодий ҳамда техник ходимларига "НРТ", унинг ишлаш тартиби, формати, эфирга узатиш ва монтаж жараёнлари хусусида батафсил маълумот берилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу радиотизимнинг фаолият бошлаши мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

**Ш. ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# БОЛАЖОНЛАРНИНГ ОРЗУСИ УШАЛАДИ

***Хонқиз қишлоғи ҳудудида жойлашган "Фарғонапахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг "Орзу" болалар оромгоҳи ёзги дам олиш мавсумига пухта тайёрланди.***

Яқинда оромгоҳ вилоятнинг Тошлоқ, Қува, Риштон, Боғдод, Бешариқ, Яйпан туманлари ва Қўқон шаҳри пахта тозалаш корхоналари ишчиларининг 160 нафар фарзандини қабул қилди. Бу ерда уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, спорт ҳамда каштачилик, ашула ва рақс тўгараклари ишлаб турибди. Турли маданий тадбирлар ўтказиш учун ҳам шарт-шароитлар етарли.

Мазкур оромгоҳ мавсум якунига қадар 480 нафар болани қабул қилади.

**М. МАҲМУДОВ.**

***Бухоронинг "Ситора" жамоаси чим устида хоккей бўйича хотин-қизлар ўртасида мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.***

# «СИТОРА» — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

Таниқли мураббий Ойбек Патиддинов шогирдлари мавсумни бир маромда ўтказиб, беш тур натижалари бўйича 75 очко жамғарган ҳолда, барча таъқибчиларини ортда қолдирдилар. Жамоа муваффақиятида Алиса Булонова, Александра Полуэктева, Дилфуза Шарипова сингари хоккейчи қизларнинг ҳиссаси катта.

Айтиш жоизки, шу билан "Ситора" ўн еттинчи марта мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлди.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО

**(20 июнь)**



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 15-20, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 16-18, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


## «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. 2009 йил 14 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

- Самарқанд шаҳри, 8 март кўчаси, 8-уй, «Сиёб деҳқон бозори» ОТАЖ ҳудудида жойлашган, ХЕАТ «Парвина» банкига тегишли:
  - майдони 32,88 кв.м. бўлган 8-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 21 989 300 сўм;
  - майдони 39,31 кв.м. бўлган 10-сонли савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 26 289 700 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган, «Парвина-Юнипак» универсал ўрама материаллари ишлаб чиқариш марказига қарашли ускуналар, бошланғич баҳоси — 360 000 000 сўм.
- «12-шина таъмирлаш заводи» МЧЖга тегишли асбоб-ускуналар ҳамда қурилиш майдони 7489,14 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 1 528 109 793 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга тегишли:
  - асбоб-ускуналар ҳамда қурилиш майдони 2610,71 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 198 431 942 сўм;
  - қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 196 885 260 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Ўзбек тракти М-39:
  - 35-уйда жойлашган, фуқаро П. Абдуллаевага тегишли, умумий майдони 1523,0 кв.м., қурилиш майдони 210,31 кв.м. бўлган 1 қаватли ертўлали далаҳовли, бошланғич баҳоси — 20 088 990 сўм;
  - 37-уйда жойлашган, фуқаро Г. Зияевага тегишли, умумий майдони 1849,6 кв.м., қурилиш майдони 91,7 кв.м. бўлган 2 қаватли далаҳовли, бошланғич баҳоси — 23 504 670 сўм.
  - 33-уйда жойлашган, фуқаро Н. Қодировага тегишли, умумий майдони 2145,5 кв.м., қурилиш майдони 298,06 кв.м. бўлган далаҳовли, 1 ва 2 қаватдан иборат 3 та бино, бошланғич баҳоси — 176 843 070 сўм;
  - 31-уйда жойлашган, фуқаро А. Абдусаламовга тегишли, қурилиш майдони 103,33 кв.м. бўлган 2 қаватли далаҳовли ҳамда 31, 33, 35, 37-уйларда сақланаётган маиший техникалар ва мебеллар, кондиционер, диван, шифонер ва телевизор мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 29 694 600 сўм.
- Самарқанд тумани, «Боғибаланд» ҚФЙ, Қундисўфи қишлоғида жойлашган, ХЕАТ «Парвина» банкига тегишли:
  - умумий майдони 816,44 кв.м. бўлган дорихона ва савдо мажмуаси бинолари, бошланғич баҳоси — 114 837 111 сўм;
  - умумий майдони 37,05 кв.м. бўлган дўкон биноси, бошланғич баҳоси — 5 555 838 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси:
  - 82-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 606,0 кв.м. бўлган, ХЕАТ «Парвина» банкига тегишли 2 қаватли уй-жой, бошланғич баҳоси — 110 250 000 сўм;
  - 82-«Б» уйда жойлашган, ХЕАТ «Парвина» банкига тегишли, қурилиш майдони 540,0 кв.м. бўлган 3 қаватли бош офис биноси, қурилиш майдони 362,86 кв.м. бўлган 1 қаватли офис биноси ҳамда асбоб-ускуналар, мебель ва инвентарлар мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 1 546 406 975 сўм;
  - 82-уйда жойлашган, «Парвина-суғурта» МЧЖга тегишли мол-мулклар, хизмат хонаси жиҳозлари, бошланғич баҳоси — 4 209 212 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 270-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга қарашли:
  - ишлаб чиқариш линияси (пенополиуритановый утеплетель JG-9, насос типа VH-9), бошланғич баҳоси — 16 901 914 сўм;
  - ишлаб чиқариш линияси (пенополиуритановый утеплетель JG-150, насос типа VH-150), бошланғич баҳоси — 79 112 880 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 15-уй, 21-хонадон, майдони 63,03 кв.м. бўлган, ХЕАТ «Парвина» банкига тегишли 3 хонали квартира, бошланғич баҳоси — 30 038 143 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Мустақиллик кўчасида жойлашган, умумий майдони 4267,83 кв.м., қурилиш майдони 153,75 кв.м. бўлган, «Парвина» МЧЖга тегишли павильон биноси ва кабобхона, бошланғич баҳоси — 152 660 700 сўм.
- Самарқанд тумани, Мотрит қўрғонида жойлашган, «Мадрид интер плюс» МЧЖга қарашли ғишт ишлаб чиқариш заводининг қурилиш майдони 3278,02 кв.м. бўлган бинолари ҳамда ускуналари ва жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 841 805 100 сўм.
- Самарқанд тумани, Чўпонота масканида жойлашган, МЧ «ТРИО» СИЧКга тегишли мол-мулклар, маиший техникалар ҳамда қурилиш майдони 1978,26 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 302 801 414 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 6-уйда жойлашган, қурилиш майдони 345,84 кв.м., фойдаланиш майдони 1198,45 кв.м. бўлган, «Найт» СИЧФга тегишли 3 қаватли гўзаллик салони, бошланғич баҳоси — 953 320 320 сўм.
- Тайлоқ тумани, Давлатобод қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 5656,0 кв.м. бўлган, «Парвина» фермер хўжалигига тегишли бино ва иншоотлар, бошланғич баҳоси — 57 854 700 сўм.
- Оқдарё тумани, Чоржуй қишлоғида жойлашган, «Парвина М» МЧЖга тегишли чорвачилик мажмуасининг қурилиш майдони 5452,2 кв.м. бўлган кўчмас мулклари ҳамда асбоб-ускуналари мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 112 947 000 сўм.
- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ва Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2008 йил 6 июндаги 14-08-10/2614(11)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Самарқанд тумани, Гулобод қўрғони ва Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган, умумий майдони 8516,88 кв.м., қурилиш майдони 2523,98 кв.м. бўлган, «Парвина М» МЧЖга тегишли бинолар, асбоб-ускуналар ва хона жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 2 438 299 778 сўм.

Мулклар билан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

II. 2009 йил 21 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222-уй манзилида жойлашган, қурилиш майдони 200,98 кв.м. бўлган тўрт қаватдан иборат бино ҳамда 22 турдан иборат мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 500 878 313 сўм.

Мулклар билан Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Самарқанд вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452071, МФО: 00264, ИНН: 200933850.

**Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй.**
**Телефонлар: (8-366) 233-80-56, 233-80-11.**

www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

6149/840


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Ўқув амалий марказнинг I-тоифали методисти Шарифа Аминовага падари бузруквори

**Шамсиддин АМИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА Астрономия институти директори, "Фан ва турмуш" журнали бош муҳаррири, физика-математика фанлари доктори, профессор Шуҳрат Эгамбердиевга падари бузруквори

**АБДУМАННОП отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби жамоаси махсус цикл мудири Шуҳрат Тохтасимовга укаси

**Шавкат ТОХТАСИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси фалсафа факультети фалсафа ва фан методологияси кафедраси доценти Мурод Усмоновга опаси

**Мастура УСМОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.15

1 2 3 4 5 6 7 9